

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 271-ҳадис

271 - **«Қўлдан келиши билан қаноатланган киши мискин эмас. Мискин иффатини сақлайдиган кишидир. Хоҳласангиз, Аллоҳнинг «Одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар» деган сўзини ўқинг»**, дедилар».

271/1 - **«Қўлдан келиши билан қаноатланган киши мискин эмас. Мискин - ўзини беҳожат қиладиган бойлик ҳам топа олмаган, (ҳожатмандлиги) билинмаганидан садақа ҳам қилинмайдиган, ўзи ҳам туриб бориб, одамлардан сўрамайдиган кишидир»**.

1. 2 Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир-икки хурмо, бир-икки луқма билан қаноатланадиган киши мискин эмас. Мискин иффатини сақлайдиган кишидир. Хоҳласангиз, Аллоҳнинг «Одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар» деган сўзини ўқинг», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Икки саҳиҳ ривоятда:

«Одамлар орасида айланиб юрадиган, бир-икки луқма, бир-икки хурмо билан қаноатланадиган киши мискин эмас. Мискин - ўзини беҳожат қиладиган бойлик ҳам топа олмаган, (ҳожатмандлиги) билинмаганидан садақа ҳам қилинмайдиган, ўзи ҳам туриб бориб, одамлардан сўрамайдиган кишидир».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

